

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ**



**Касб таълими бакалавр битирув малакавий
ишини тайёрлаш бўйича**

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Наманган -2013

Холмирзаев Ж, Дадамирзаев Ғ. Касб таълими бакалавр битирув малакавий ишини тайёрлаш бўйича методик қўлланма. Наманган. НамМПИ, 2013 й. 20 бет.

Методик қўлланма 5111000-Касб таълими (йўналишлари бўйича) йўналишлари битирувчилари учун мўлжалланган бўлиб, уни тайёрлашда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Давлат таълим стандартлари талаблари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 9 июндаги 225-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талаблар” асос қилиб олинди.

Уни тайёрлашда институтда бу соҳада эришилган кўп йиллик ижобий тажрибалар ҳам эътиборга олинди.

Ушбу методик қўлланма якуний Давлат аттестацияси комиссияси аъзолари, мутахассислик кафедралари, битирув малакавий иши раҳбарлари ва бакалаврият битирувчиларига мўлжалланган.

Тузувчилар:

**Холмирзаев Ж
Дадамирзаев Ғ.**

Тақризчи:

Ҳакимов А. – Қўқон Давлат педагогика институти ректори

Методик қўлланма НамМПИ илмий-методик кенгашнинг 2013 йил _____ январдаги йиғилишида кўриб чиқилган ва маъқулланган. Рўйхат рақами _____

КИРИШ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таъриф берилишича: Бакалавриат–мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

Миллий дастурда ўқув тарбия жараёнининг сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, юксак касбий, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1761 сонли қарорида кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизими яратилгани таъкидлаб ўтилади ва илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича вазифалар қўйилган.

Касб таълими педагоглари тайёрлашнинг ўзига хос мураккаб томонлари мавжуд. У маълум йўналиш бўйича юқори малакали мутахассис бўлиши билан бирга, ёшлар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдиришга, уларда касбга бўлган онгли муносабат малакасини шакллантиришга ва ёшларнинг маънавий онгини тўғри ривожлантиришга тайёр бўлиши керак. Бу тамойиллар битирув малакавий иши (БМИ) да ўз аксини топиши зарур.

Мамлакат ижтимоий тараққиётида педагоглар ролининг муҳимлиги шубҳасиздир. Педагогнинг обрў-эътибори эса унинг касбий фаолияти даврида ўзи томонидан яратилади. Шундай экан, касб таълими битирувчиси меҳнат фаолияти заминини талабалик даврида яратиши керак. БМИ анашу заминнинг устивор қисми ҳисобланади.

Касб-хунар коллежлари (КХК) учун давр талабларига жавоб берадиган педагог кадрлар олий таълимнинг бакалавриатура ва магистратурасида тайёрланади.

Ушбу методик қўлланма 5111000-Касб таълими (йўналишлар бўйича) йўналиши битирувчиларининг битирув малакавий ишини тайёрлаш ва уни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган.

1. БМИ ни бажаришнинг мақсад ва вазифалари

1.Таълим бўйича назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, олинган билимларни муайян илмий, методик, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллаш.

2.Ижодий ишлаш, қўйилаётган масаланинг (муаммонинг) бошланғич жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишгача бўлган масъулиятни ҳис этишга ўргатиш.

3.Замонавий ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, техника, ахборотлар технологияси ва маданиятнинг ривожланиши шароитида талабаларни мустақил ишлашига тайёргарлигини таъминлаш.

4.Битирув ишининг яна бир мақсади мавзу бўйича талабанинг шахсий кузатишлари, назарий, амалий олган билимларини, малакавий (педагогик) амалиётларда эгаллаган тажрибаларини мустаҳкамлаш ва тартибга солишдир. Бунда талаба битирув ишидаги у ёки бу ҳолатларнинг илмий ёки амалий аҳамияти ва қийматини асослаб беради.

5.Битирув иши мустақил илмий, методик тадқиқот иши бўлиб, унинг асосида касб таълими йўналишидаги жараёнларни модуллаштиришни кўзда тутадиган аниқ мақсад ва вазифалар ётади.

2. БМИ нинг мавзуси

Малакавий ишлар мавзуси муаммонинг замонавий ҳолатини ва иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, техника, методика, ижтимоий соҳалар, фан, таълим ва маданиятнинг истиқболли ривожланишини акс эттириши керак.

Малакавий ишлар мавзуси мутахассис чиқарувчи кафедра томонидан белгиланади ва ОТМ Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади, ҳамда ҳар ўқув йили бошида қайта кўриб чиқилади.

Малакавий ишлар мавзусининг йиллик рўйхати битирув амалиёти бошланишига қадар ёки битирув курсининг бошида эълон қилинади. Кафедранинг илмий йўналишлари таркибига кирувчи БМИ лари мавзуларини талабаларга 2-курсдан бириктирилиши мақсадга мувофиқ.

Талабаларга (рейтинглари бўйича камайиш тартибида) малакавий ишларнинг мавзуларини танлаш ҳуқуқи берилади. Талаба ёки талабанинг ўқиши учун тўлов-контракт маблағни тўловчи буюртмачи зарурий асослар билан малакавий ишлар мавзуси бўйича ўз вариантларини таклиф этишлари мумкин.

Малакавий иш мавзуси ва раҳбарни талабага бириктириш кафедранинг тақдимномаси бўйича ректорнинг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Иш раҳбари малакавий ишнинг мавзусига мувофиқ талабага малакавий ишга тегишли материалларни тўплаш бўйича (жумладан, малакавий (педагогик) амалиёт ўтказиш даврида ҳам) топшириқ беради. Топшириқнинг шакли олий ўқув юртининг ўқув бўлими томонидан белгиланади. Топшириқ малакавий иш билан биргаликда Давлат аттестация комиссиясига тақдим этилади.

5111000-Касб таълими (йўналишлар бўйича) йўналлиши битирувчиларининг БМИ ларининг мавзулари асосан КХК лари ўқув жараёни

муаммоларига қаратилиши, хусусан фан дастурлари мавзуларидан бирини ўқитиш технологияларига бағишланиши мақсадга мувофиқдир.

Масалан: Касб таълими (Электр энергетикаси) таълим йўналиши бўйича:

- Умумий электротехника курсида “Электромагнетизм” мавзусини фанлараро боғланиш элементлари асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш (КХК мисолида).
- Электротехника курсида “Қаршиликларни аралаш улаш ва Кирхгоф қонунлари” мавзусини илғор педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш (КХК лари мисолида).
- “Бир фазали ўзгарувчан ток занжирлари” мавзусининг дидактик конструкциясини ишлаб чиқиш (КХКлари Электротехника курси мисолида).

Касб таълими (Бинолар ва иншоотлар қурилиши) таълим йўналиши бўйича:

- Касб-хунар коллежида “Қурилиш материаллари ва буюмлари” фанининг “Бетонлар” мавзусини педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш;
- 150 ўринли умумий турдаги тамаддихона биносини лойиҳалаш ҳамда “Пол ишлари технологияси” мавзусининг ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш. ТП 274-22-46. Қурилиш жойи: Янги ер тумани;
- Чўзилувчи темир бетон элементларини такомиллаштириш ва унинг ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш. (Кафедра ИТИ КХК мисолида).

Касб таълими (Мухандислик коммуникациялари қурилиши) таълим йўналиши бўйича:

- Касб-хунар коллежларида “Вентиляция тизимларини қуриш” мавзусини педагогик технологиялар асосида ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш;
- Наманган вилояти Тўрақўрғон шаҳри марказининг газ таъминоти тизимларини лойиҳалаш ва “Газопроводларни синаш” мавзусининг ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш (КХК мисолида).
- “Техникавий нивелирлаш” мавзусини интерактив методлар асосида ўқитиш (КХК мисолида).

3. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИ БАЖАРИШГА РАЎБАРЛИК ҚИЛИШ

БМИга раўбарлик институтнинг фан докторлари ва номзодлари, илмий ходимларига, қоида тариқасида 7 тагача, ўриндошлик асосида ишлаётган профессор ёки доцентларга ҳамда бошқа муассаса ва корхоналарнинг юқори малакали мутахассисларига 4 тагача рухсат этилади.

БМИ раўбари талабага:

-топшириқ беради;

- БМИнинг бажарилиш жадвалини режалаштиради;
- асосий адабиётлар, илмий журнал ва интернет маълумотларини ва архив материалларини ҳамда мавзу бўйича бошқа манбааларни тавсия этади;
- талабалар билан мунтазам равишда консультация ўтказади;
- БМИнинг бажарилиш жараёнини назорат қилади;
- талаба бажарган малакавий ишнинг сифати ва муаллифлигига жавоб беради, мавзуларнинг қайтарилишига ва кўчирилишига йўл қўймайди;

БМИ раҳбарининг таклифига биноан кафедра малакавий ишга раҳбарлик қилишга ажратилган вақт бюджети ҳисобидан ишнинг айрим бўлимлари бўйича консультантларни таклиф этиши мумкин. Касб таълими йўналишларидаги БМИ мавзуси соф методик характерда бўлса унга “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги” дангина тегишли кафедрадан консультант таклиф қилиниши мумкин, иқтисодий қисмнинг эса зарурати йўқ.

БМИ берилган топшириқ асосида шахсан талаба томонидан бажарилади.

БМИ нинг ҳар бир бўлими мувофиқ асослар, қарорлар ва хулосалар билан ёритилади. БМИда, илгари бажарилган мустақил ишларнинг натижалари ёки бошқа муаллифларнинг (илмий маърузалари ва мақолалари, ҳисоб график ишлари, курс ишлари ва лойиҳалари, албатта номлари кўрсатилган ҳолда) ишлари акс этирилиши ёки улардан фойдаланиш мумкин. Тушунтириш қисмида (пояснительная записка) малакавий ишнинг мазмунини қисқа ва муайян шаклда ифодалаш лозим. Зарурий ҳолларда тушунтириш қисмига графиклар, расмлар, эскизлар, диаграммалар, схема ва бошқалар, шунингдек, зарурий қўшма ахборот ёзилган дискетлар илова этилиши мумкин.

БМИ таркибига БМИнинг мавзуси, мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электрон шаклдаги тақдимот материаллари киритилиши мумкин. Тушунтириш қисми 10 мингдан кам бўлмаган сўз ҳажмида белгиланади.

Кафедранинг тавсиясига биноан ректорнинг рухсати билан БМИ чет тилларнинг бирида бажарилиши мумкин. Чет тилида бажарилган ишга давлат тилидаги аннотация илова қилинади ва ҳимоя вақтида таржима таъминланади.

4. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИНГ БАЖАРИЛИШИ

БМИ одатда, мутахассис чиқарувчи кафедра ёки деканат томонидан махсус ажратилган хоналарда бажарилади. Зарур ҳолларда малакавий иш корхоналар, муассасалар ёки коллежларда бажарилиши мумкин.

Малакавий ишнинг бажарилиши бўйича талабанинг ҳисобот бериш муддатларини деканат томонидан назорат этилади. Талаба малакавий ишнинг бажарилиши ҳақида раҳбар ва кафедра мудирини олдида белгиланган муддатларда ҳисобот беради. Кафедра мудирини малакавий ишнинг тайёрлик ҳолатини белгилайди, уларнинг мониторингини олиб боради.

Талаба-иш муаллифи, ечимларнинг тўғрилигига ва унинг топшириққа мувофиқлигига, малакавий ишда кўчирмачилик ҳолатининг йўқлигига жавоб беради.

БМИларни бажариш босқичларида кечикиш ҳолларини бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кафедра мудирини томонидан белгиланади.

5. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Бакалавр битирув малакавий ишида барча фанлар блокидан олинган билимларни қўллаб, тугалланган касбий масала ечилади. Бу эса касб-хунар коллежи ўқитувчисининг педагогик фаолият мазмунини очиб беради.

Ишни бажариш учун қуйидаги талаблар қўйилади:

1. Мавзу бўйича умумий маълумот тўплаш ва таҳлил қилиш, мавзунини асослаш.

2. Танланган мавзунинг мақсади, вазифаси, мазмуни ва долзарблигини ёритиш.

3. Амалдаги педагогик технологияларни чуқур таҳлил қилиш ва уларни БМИ га тадбиқ қилиш;

4. КХК лари талабаларига билим, кўникма ва малакаларни беришнинг замонавий услубларини излаб топиш ва БМИ га тадбиқ қилиш.

5. Комплекс таълим-тарбия, педагогик, психологик ва услубий ечимларни ишлаб чиқиш.

6. БМИ бўйича хулоса ва таклифлар киритиш ва уларни КХК ларининг ўқув-тарбиявий жараёнларига қўллаш имкониятларини асослаш.

7. БМИ қуйидаги тузилишдан иборат бўлиши тавсия этилади:

- БМИ нинг титул вароғи (1-илова), топшириқ вароғи, топшириқ мазмуни ва ишни бажариш жадвали (2-илова);

- кириш;

-асосий қисм- мавзу бўйича (мавзу тавсифи, мавзунини, ўқитиш методикасининг умумий масалалари, назарий дарс ўтиш методикаси, лаборатория-амалий машғулот ўтиш методикаси, ишлаб чиқариш таълимини ўтиш методикаси, ишнинг самарадорлиги ва ҳ.з.о.) маълумотлар;

-мавзу бўйича дарс ўтиш методикасини ишлаб чиқиш;

- ҳаёт фаолият хавсизлиги;

- хулосалар;

- фойдаланилган адабиётлар;

- иловалар.

8. Битирув малакавий иши аниқ мавзу бўйича ёзилиши зарур.

9. Битирув малакавий ишининг мавзусини кафедра томонидан, талабаларнинг таълим йўналишидан келиб чиққан ҳолда, ҳамда кадрлар буюртмачилари (касб-хунар коллежлари) талаби ва замонавий психолого-педагогик, фан, техника, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг илғор тажрибаларини ва педагогик технологияларни ҳисобга олган ҳолда белгилаш керак.

10. Битирув малакавий ишини берилган муддат ичида бажариш талаб этилади.

11. Тушунтирув қисми қўл ёзма тарзида расмийлаштирилади .

6. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНИНГ МАЗМУНИ

БМИ нинг тушунтирув ёзуви қисми қуйидаги тартибда ва ҳажмда бўлиши тавсия этилади:

1. Титул варағи- ва БМИ нинг топшириқ варағи, топшириқ мазмуни ва ишни бажариш жадвали (1,2 иловалар).

2. Мундарижада кириш, асосий қисм-мавзу бўйича маълумотлар; мавзу бўйича дарс ўтиш методикасини ишлаб чиқиш; хулоса ва таклифлар; фойдаланилган адабиётлар рўйхати; иловаларнинг бошланиш бетлари рақами кўрсатилади. **Ҳажми-1 бет.**

3. Кириш қисмида - ҳозирги кунда касб-ҳунар коллеж-ларида тайёрланаётган мутахассисларга қўйилган талаблар, мавзунинг долзарблиги, битирув ишининг мақсад ва вазифалари, Республикамиз Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг халқ хўжалигининг тегишли тармоқлари ислохатларини чуқурлаштириш бўйича қабул қилган фармон, фармойиши ва қарорлари, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг жойларда бажарилиш масалалари ёритилади. **Ҳажми 3-5 бет.**

4. Асосий қисмида куйидаги бўлимларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ:

4.1. Масалани ечиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар. Бунда БМИ нинг мавзуси бўйича адабиётлар, илмий-методик мақолалар, интернет материаллари, методик қўлланма ва кўрсатмалар таҳлил қилиб чиқилади. **Ҳажми-5-6 бет.**

4.2. Масаланинг қўйилиши. БМИ да ҳал қилиниши лозим бўлган масала қўйилади, яъни бажариладиган ишнинг мантиқий кетма-кетлиги берилади. **Ҳажми-2-3 бет.**

4.3. Ўқитиш методикасининг умумий масалалари:

- Дидактик тамойилларни ўқув жараёнига қўллаш;
- Педагогик технологиялар таҳлили;
- Дарс ўтишнинг ташкилий шакллари танлаш ва асослаш;
- Ўқитиш технологияларининг мавзуга мос услубларини танлаш, таҳлил қилиш ва асослаш;

- Дарсда қўлланиладиган дидактик материаллар ва ахборот технологияларини таҳлил қилиш. **Ҳажми 10-15 бет.**

4.4. Назарий дарс (маъруза) ўтиш методикаси:

- Лойиҳаланаётган дарс мавзуси ва ўқув модуллари берилади;
- Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари ёритилади;
- Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар келтирилади;
- Дарснинг замонавий (интерфаол) модели яратилади;
- Мавзунинг маъруза матни ёзилади;
- Мустақил иш учун савол ва топшириқлар “критик фикрлаш” босқичлари асосида тайёрланади;

- Маъруза матнини тайёрлашда фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади. **Ҳажми 20-25 бет.**

4.5. Малакавий ишнинг самарадорлигида дарсни илғор педагогик ва ахборот технологиялари асосида ўтилганда унинг анъанавий дарсга нисбатан самарадорлиги таҳлил қилинади. **Ҳажми 1-2 бет.**

5. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Маъруза, амалий машғулот, лаборатория ишлари ва ишлаб чиқариш таълими дарсларида талаба-ўқувчилар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича мавжуд масалаларни таҳлил қилинади ва ҳал этилади. **Ҳажми 4-5 бет.**

6. Хулосалар. БМИ нинг хулоса қисмида бажарилган иш қисқача тавсифланади, тавсиялар берилади, қўллаш имкониятлари кўрсатиб ўтилади.
Ҳажми 2-3 бет.

7. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати матнда ўрта қавсга силка кўринишда ёзилган рақамлар асосида кетма-кетлик билан териб чиқилади. Адабиётнинг ёзилиш тартиби: муаллифнинг ф.и.ш.; китоб ёки мақола номи, чоп этилган шаҳар, нашриёт номи, чоп этилган йили, бетлари.

8. Иловалар. БМИ иловасида жадваллар, схемалар, дастур таъминотлари ва ишга тегишли бошқа маълумотлар берилиши мумкин. Унинг ҳажми БМИ ҳажмига киритилмайди.

9. Агар мавзу лаборатория-амалий машғулотлар ўтиш методикаси бўйича бўлса 4.4. ўрнига:

-Лаборатория ёки амалий машғулотнинг битта мавзуси бўйича дарс лойиҳаланади ва ўқув модуллари берилади;

- Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари ёзилади;

-Дарснинг интерфаол модели яратилади, унда гуруҳчаларга ажратиш, иш жойларини алмаштириш ва педагогик технологиялар услубларидан фойдаланиш кўзда тутилади;

-Битта гуруҳнинг дарсдаги фаолияти учун технологик харита ишлаб чиқилади;

-Ўқитиш воситалари ва методларини танлаш асосланади;

-Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ушбу дарсга бағишланади ва ҳал этилади.

Ҳажми 20-25 бет.

10. Агар мавзу ишлаб чиқариш таълими бўйича бўлса, 4.4 ўрнига:

-Ишлаб чиқариш таълимининг турлари ва уларнинг мазмуни тавсифланади;

-Танланган мавзунинг ўтиш учун ташкилий шакл ва методларни танланади ҳамда асосланади;

-Машғулот жараёнига дидактик принциплар (тамойиллар)ни қўллаш хусусиятлари берилади;

- Ўқув (полигон, устахона, махсус ажратилган бокслар) майдони ва унинг асосий вазифаси таҳли қилинади;

- Ўқув (полигон, устахона, махсус ажратилган бокслар) майдони гуруҳлар сонига қараб ҳисоблашни асослаб берилади;

-Ўқув майдонини жиҳозлаш ишлари ёритилади;

-Ажратилган ўқув майдонларида машғулот ўтиш методикасини ишлаб чиқилади;

-Ўқув модуллари ёритилади;

-Аниқлаштирилган ўқув мақсадлари яратилади;

-Дарснинг интерфаол модели тузилади;

-Дарс матни ёзилади;

-Машғулотни самарали ўтиши учун гуруҳларга бўлиб, иш жойлари билан алмашиш режасини ишлаб чиқилади;

-Касб таълими йўналишлари бўйича техникалардан фойланиш ва уларни ўрганиш, ўргатиш машғулотларининг методикаси ишлаб чиқилади;

-Кўрсатмали технологик харита яратилади;

-Машғулот давомида қўлланиладиган ўқитиш воситалари тавсифланади;

-Машғулот давомида ва охирида ўқувчилар билимини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилади. **Ҳажми 20-25 бет.**

7. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган БМИ талаба томонидан раҳбарга тақдим этилади. Раҳбар малакавий иш талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдирганидан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедра мудирига тақдим этади. Тақризда талабанинг фаоллиги, мустақил бажаргани, янгиликлар, ишда компьютердан фойдаланилгани ва малакавий ишнинг бошқа ижобий томонлари тавсифланади. (3-илова)

Кафедра мудир тақдим этилган материаллар асосида малакавий ишни Давлат аттестация комиссиясида ҳимоя қилишга киритиш ҳақида қарор қабул қилади. Агар кафедра мудир талабанинг малакавий ишини ҳимояга киритиш мумкин эмас, деб ҳисобласа масала кафедра мажлисида раҳбар иштирокида муҳокама этилади. Кафедра мажлисининг баённомаси факультет декани томонидан тасдиқ учун ректорга тақдим этилади.

Ҳимояга киритилган БМИ тақризга (4-илова) юборилади. Тақризчилар таркиби битирувчиларни истеъмол қилувчи соҳа мутахассислари сафидан танланади. Тақризчилар сифатида олий таълим муассасалари ва коллежларнинг профессор-ўқитувчилари ва педагоглари ҳам жалб этилиши мумкин.

Факультет декани малакавий ишни тақриз билан бирга ҳимоя учун ЯДАКга юборади.

БМИни ҳимоя қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низомда белгиланган.

БМИ ҳимояси замонавий ахборот технологиялари воситасида тақдимот (презентация) шаклида ташкил этилади ва ўтказилади.

Кўчирмачилик асосида тайёрланган БМИ ҳимоягача аниқланиб, тасдиғини топган тақдирда БМИ кафедра мудир тақдимномасига асосан ректор буйруғи билан бекор қилинади ва битирувчига қониқарсиз баҳо қўйилиб, иш раҳбари кейинги уч йил давомида БМИ ларга раҳбар этиб тайинланмайди.

БМИ ҳимоядан сўнг институтда камида 10 йил сақланади. Ҳар хил сабаблар бўйича БМИни бошқаларга топшириш зарурияти мавжуд бўлган ҳолда (татбиқ этиш, танловлар ва ҳ.о.) ишдан нусха олинади. Ишнинг асл нусхаси институт архивида қолдирилади.

Мундарижа

Кириш	_____
БМИни бажаришнинг мақсад ва вазифалари	_____ 4
БМИнинг мавзуси	_____ 4
БМИ га раҳбарлик қилиш	_____ 6
Малакавий ишнинг бажарилиши	_____ 6
БМИга қўйиладиган талаблар	_____ 7
БМИ нинг мазмуни	_____ 8
Малакавий ишни ҳимоя қилиш	_____ 10

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қурилиш факультети

Эксперт рухсати
(Ректор қарори билан
декан ёки проректор)

“ _____ ” _____ 2013 й.

Ҳимояга рухсат этилсин:
“Бинолар ва иншоотлар қурилиши”
кафедраси мудири доцент

“ _____ ” _____ 2013 й.

Бакалавр даражасини олиш учун

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: Касб-ҳунар коллежида “Қурилиш материаллари ва буюмлари”
фанининг “Бетонлар” мавзусини педагогик технологиялар асосида ўқитиш
методикасини ишлаб чиқиш

Битирув малакавий ишини бажарди:
5111000 Касб таълими (Бино ва
иншоотлар қурилиши)
йўналишининг 4 курс талабаси

Фармонов У.

Битирув малакавий иши раҳбари:

доц. Алимов Ҳ.

Наманган -2013

2-илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

_____ факультети декани

имзо _____ исми ва фамилияси
“ _____ ” _____ 20__ й.

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Бакалаврлар учун битирув малакавий ишига

ТОПШИРИҚ

_____ факультети
_____ йўналиши бўйича
_____ кафедрасида битирувчи
_____ нинг
(талабанинг исми ва фамилияси)

Битирув малакавий иши мавзуси _____

Иш раҳбари _____
(илмий даражаси, унвони, исми ва фамилияси)

Ректорнинг иш мавзуси ва раҳбарни бириктириш ҳақидаги буйруғи
№ _____ «_____» _____ 20__ йил

Битирув малакавий ишини топшириш муддати “_____” _____ 20__ й.

1. Битирув малакавий ишини бажариш учун бошланғич маълумотлар

2. Тушунтирув ёзувларининг таркиби 10-15 минг сўз ҳажмида қўлёзма тарзида:

3. Чизма ишлари таркиби (кўргазмали чизма материаллар)

2-илова давоми

Наманган мухандислик-педагогика институти _____ факультети
_____ кафедраси
_____ гуруҳ талабаси _____ нинг

_____ мавзусида бажарган битирув малакавий ишига
раҳбари _____ нинг

Т А К Р И З И

1. БМИ мавзуси долзарблигининг асосланиши _____

2. Битирувчининг назарий тайёргарлик даражаси _____

3. БМИ ёзма хисоботининг бажарилиш сифати (расмийлаштирилиши, педагогик технология
усулларидан фойдалангани, хулосаларнинг асослилиги) _____

4. Чизма, график, жадвал ва бошқа дидактик материалларнинг мавзу мазмунига мос келиши
ва меъёр талабларига мувофиқлиги _____

5. БМИнинг унга қўйилган талабларга мос келиши, яқунланганлиги ва ҳимояга қўйилиш
имкони

Раҳбарнинг иш жойи ва лавозими _____

(Имзо, сана)

Наманган мухандислик-педагогика институти _____
кафедраси _____ гуруҳ талабаси _____
_____нинг битирув малакавий ишига

ТАКРИЗ

Мавзу _____

1. Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти ҳақида _____

2. Ишнинг таркибий қисмларини баҳолаш _____

3. БМИнинг афзаллик томонларини кўрсатиш _____

4. Ишнинг илмий-методик янгилигига баҳо бериш _____

5. Хулоса ва таклифларнинг аниқлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари _____

6. Ишда фойдаланилган адабиётларнинг мавзуга мослиги _____

7. Жадвал, график ва чизмалар сифатини ҳамда ишни расмийлаштирилишини баҳолаш _____

8. Ишдаги камчиликлар _____

9. Муаллифнинг қайси таклифларини амалда жорий этиш мақсадга мувофик _____

10. Ишнинг қўйилган талаб даражасига мос келиши тўғрисидаги умумий хулоса _____

(такризнинг ф.и.о., иш жойи, унвони)

“ _____ ” _____ 20 йил.

Имзо _____

М.Ў.

